

# КИШЛОК ХАЖИКАТИ

1988 йил 17 июль  
ЯКШАНБА  
№ 163 (4.359)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин.

## ШУ КУННИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ

# ҒУЗА ГУЛИ

Баҳор ёмғиридан сўнг сарҳадсиз осмон кенгликларидан тоналган камалакни кўрганмисиз? Қийғос гулдаган пахтазор бир қарашда ана шу камалакни ёдга солади: Оқ, сариқ, пушти... Гуллар! Табиатнинг ўзи сайқал берган, бахмалдек товланувчи нафис гуллар.

Миришкор сувчи Жаҳон Облоев учун оламда бунинг завоқига тенг келадиган нарса йўқ. Ҳар сафар ғуза гулларини кўрганда суяги пахта ишида қотган тажрибали деҳқоннинг ошуфта қалби ҳам гулдай яшнайдди, уйқу-сизилқандан қизарган кўзларида ажиб нур жилваланади. У билди: ғуза ҳам худди мураккаб гўдакдек меҳрга зор, парваришга ташна. Ҳар туپини асраб-авайлаган, бошида парвона бўлган ютади. Ҳосил баракаси, риқ-насиба, кузги хирмон чўғи — ҳамма-ҳаммаси ана шунга боғлиқ.

— Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорлари кучимизга-куч қўшиб, янги ғалабалар сариқ илҳомлантирмоқда, — дейди Ж. Облоев. — Ҳозир барча қатори биз пахтакорлар ҳам ана шу улкан анжуман таасуротлари билан яшаймиз. Бутун дунда қатъий дала-ларда мўл-қўл ҳосил тўплашга қаратилган. Меҳнатни ташкил этишнинг янги, самарали формалари жонимизга оро кираяпти. Ойла пудрати ана шулардан биридир. Айни кунда бригадамизга қарашли майдонлар 11 та ойлага бўлиб берилган.

Энг муҳими, ер эгасини топти. Деҳқонга арқивли берилди. Ишлаб чиқариш планлари юқоридан эмас, қўйдан белгиланадиган бўлди. Илгари буни тасаввур ҳам қилиб бўлмади. Чунки ҳамма нарса пахта манфаати кўрбон қилган эди. «Монокултура» кетидан кунуви республикамиз деҳқончилигини боши берк қўчага солиб қўйди, меъридан ортинқ ишлатилган қимбўйи ўғитлар туپроқни оғулади. Бундан куйинмай, ўрғанмай бўладими, ахир? Ер — бебаҳо ҳазина. Ундан тежаб-тергаб фойдаланиш, бу бойлигини кўз қорачиғидек асраш лозим. Иттиҳотимизда қайта қуриш ва опшоралик шабдаси эсиб, ахвол ижобий томонга ўзгармоқда.

Янгилиқни жараёни пахтачиликда ҳам сезиларли натижаларга эришиш имконини берапти. Бунинг бригадамиз мисолида яққол кўриш мумкин. Ўтган йили 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40,1 центнердан, жами 209 тонна хом ашё етиштирилиб, план ошгани билан адо этилди. Табиридан оқ олтиннинг асосий қисми биринчи сортта сотилганлиги тўғрисида янгигина даромад олди. Қозон ҳам мой, чўмчи ҳам.

Айни кунларда ҳам қизғин меҳнат қилаймиз. Яшил далалар чирой очиб, қўт-баркага тўлиб бормоқда. Бу, албатта, бизни хурсанд қилади. Суғориш, култивация, озиклантириш каби агротехник тадбирлар обияр-тобда ўтказилапти. Ҳамро Сафаров, Соҳиб Жумаев каби механизаторларимиз ўз агрегатларини унумли ишлатиштира.

«Азия ғузалири!» Ҳали булар ҳаммаси эмас. Сизларнинг нозик қалб туйғуси билан ардоқлаётган, бошингизни силаётган бошқа меҳрибон кўзлар бор. Бу — аёл

Н. ТОШЕВ.

## МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ ШАРАФИГА

Металлургия — саноатнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, мамлакат экономикасининг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан шу тармоққа боғлиқ. Ҳозир ва рангил металлургия асосий конструкция материаллар ҳисобланади, саноатнинг барча тармоқларида ва турмушда кенг фойдаланилади. Тармоқ ҳодимларининг байрами — Металлургия кунига бағишлаб ўтказилган тантанали Янгиликда меҳнат унмудорлигини ошириш резервларидан қандай қилиб тўлиқроқ фойдаланиш, металлургия комплекси ишида қайта қуришни мажбурий қилиш ҳақида гапирди. Янгилик 15 июль кун Москвада ўтказилди.

(ТАСС).



## ОЙЛА ПУДРАТИ ШАРОФАТИ



## ШОДА-ШОДА КЎСАК ДАЛАДАН РЕПОРТАЖ

Пайариқ районидagi Охунбобоев номи совхоз пахтакорлари жорий йилда 1.855 гектар майдондан гектар ҳисобига 30 центнердан ҳосил етиштириш ниятида астойдил тер тўқнишмоқда. Дала юмушлари мусобақа асосида ташкил этилган. Бунда Ленин ордени ишондори, КПСС XXVII съезди делегати Бонигул Умарқуллова бошлик бригада пешқадам.

Наск тақозоси билан маз-

Кува районидagi Киров номи колхоз кассасида ҳозир 550 минг сўмдан зиёд пул бор. Агар бундан беш йил муқаддам ҳўжалик давлатдан нақд 2 миллион сўм қардор эканлиги ҳисобга олинса, ўтган даврда колхоз экономикасида катта бурлиш содир бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Бунда ойла пудратининг роли беиёс.

— Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги усули, — дейди правление раиси, Фарғона область партия комитети аъзолиги кандидати, колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди делегати Омина Исроилова, — аввало ойлага механизмлаштирилган ва кўзда баҳарлаштирилган барча юмушлар сифатини ўз назоратига олишга имкон берди. Иккинчидан, маблағлар сарф-харажати ҳар бир аъзонинг доимий кузатув нозирасида бўлди, яъни қилмаган ишларни кўриб қолганга йўл қўйилмади. Учинчидан, колхозчиларнинг ташаббуслари кўлф урди, манфаатдорлик ошди.

Жорий йилда пахтакорлар Ванган 917 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнер ўрнига 33 центнердан, жами 2.026 тонна оқ олтин тортқи этиш йўлида астойдил меҳнат қилишляпти. Дала юмушлари мусобақа асосида ташкил этилган. Ҳосиллар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришмоқда. Колхозчиларнинг унумли ишлашлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча қўлайликлар мўжайиб. Бу тадбирларнинг самараси кўзга яққол ташламоқда: ниҳоллар барваж ўсаяпти, ҳар тулда 3—4 тадан бўлиқ қўсақ, кўлаб шона ва гул бор.

Бошқа тармоқларда ҳам ижобий натижа кўзга ташланапти. Гўшт, сўт етиштириш, тухум тайёрлаш ярим йиллик топириқлари зиёди билан уддаланди. Пиллакорлар эса ҳар қути қўрт ургидан 82 килограммдан хом ашё олиб, район бўйича энг юқори кўрсаткичга эришдилар.

СУРАТЛАРДА: 1. Правление раиси О. Исроилова (чапдан), механизатор Ш. Ғойназаров ва бригада бошлиги Х. Хасанова. 2. Ғузага ишлов берилаяпти. 3. 1-бригада аъзолари мусобақа голлиги, механизатор Ориф Эргашевни (ўртада) табриқлашмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ ва Т. ҲАМРОҚУЛОВ фотолари.

## ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИНИНГ КЕНГАШИ

1988 йил 15 июль кунини Польша Халқ Республикаси пойтахтида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши иш бошлади.

Кенгашда ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари БХР Давлат Кенгашининг раиси Т. Живков бошлиқ Болгария Халқ Республикаси делегацияси; ВСИП Бош секретари, ВХР Министрлар Советининг раиси К. Грос бошлиқ Венгрия Халқ Республикаси делегацияси; ГСРП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг раиси Э. Хонеккер бошлиқ Германия Демократик Республикаси делегацияси; ПВИП Марказий Комитетининг бош секретари, ПХР Давлат Кенгашининг раиси В. Ярузельский бошлиқ Польша Халқ Республикаси делегацияси; РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску бошлиқ Руминия Социалистик Республикаси делегацияси; КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев бошлиқ Совет Социалистик Республикаси Иттифоқи делегацияси; ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари М. Янеч бошлиқ Чехослования Социалистик Республикаси делегацияси қатнашмоқда.

Кенгаш ишида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган қуроли кўчаларининг бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршалли В. Г. Куликов билан Сиёсий маслаҳат комитетининг бош секретари, ПХР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Г. Ярошек ҳам иштирок этмоқдалар.

Кенгаши В. Ярузельский қисқача табриқ нутқи билан очди. Кенгашда М. С. Горбачев, Э. Хонеккер, К. Грос, Т. Живков, Н. Чаушеску, М. Янеч ва В. Ярузельский ўртоқлар сўзга чиқдилар. Дўстлик ва ўртоқларча амалий ҳамкорлик вазиятида ўтаётган Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашида ақтуал Европа ва Жаҳон муаммолари кўриб чиқилмоқда. Уларнинг орасида Европада Атлантикадан Уралгача қуроли кўчалари ва оддий қуроли-яроқларни қисқартриш, қитъада ишонч ва ҳамфизлиқни кучайтириш, умумевропа наравини, Европа давлатлари сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш, сира кечиктириш бўлмайдиган экология муаммоларини ҳал қилишда, гуманитар ҳамкорлиқни кенгайтиришда ана шу давлатлар ўзаро алоқаларининг истиқболлари масалалари бор.

Варшава Шартномаси доирасида ташқи сиёсий алоқаларни кучайтириш вазифалари, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг жаҳон тараққиётидаги ижобий тенденцияларни мустахкамлаш, халқаро муносабатларни янгира сиёсий тафаккур негизида қайта қуриш йўлида бундан бўён биргаликда кўрадиган тадбирлари ҳам муҳокама қилинмоқда.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгаши эртага ўз ишини давом эттиради. \*\*\* Бутун В. Ярузельский Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қатнашчилари шарафига зиефат берди. Польша раҳбари зиефатда ҳозир бўлган кишилар ҳўзурда нутқ сўзлади. Қарош партиларнинг делегациялари номидан Н. Чаушеску гапирди.

Зиефат дўстлик ва самимилик вазиятида ўтди. (ТАСС).

## КОСМИК ВАХТАДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ (ТАСС). Владимир Титов ва Муса Манаров ер атрофидagi орбитада 207 кундан бери ишламоқдалар.

Атмосферадан ташқаридаги астрономияга оид тадқиқотлар программасига биноан космонавтар 13 ва 14 июль кунлари «Глар» ультрабинафша телескопидан фойдаланиб, ҳосилнинг бир нечта туркумини бажардилар. Улар Альфа Бўри ва Альфа Бургут янгиликда колдузали осмонда айрим районларни сураатга олдилар.

Одам бошқарадиган «Мир» комплексидан иш тартибига фатли ишловдан чиқарди. Бригадада 13 та оилавий аэно ташкил этилган. Норбой Маҳмудов бошлиқ аэно даласидagi ниҳолларга қўш-нон ҳаёт тараймиз. Янгиликларда бирорта бегона ўт учрамайди. Ҳар тул ғузада шода-шода гул ва қўсақ.

М. ЭРА.ПЕВ, «Кишлоқ ҳақиқати» муҳбири.

## ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИ

Ҳиндистон Республикасининг президенти Рамасвами Венкатараман 16 июль кунини Улан-Батордан Деҳлига қайтайтиб, Тошкентда қисқа мўддат тўхтаб ўтди.

Ҳиндистон президенти ва унинг рафиқасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев рафиқаси билан,

техника қондалари асосида парвариш қилинапти. Айни пайтда бу коллективларда йнғим-терим масумига пухта ҳозирлик қўришмоқда.

— Жорий йилда ҳосилнинг асосий қисмини машинлар ёрдамида йнғиштириб олишга қарор қилганмиз, — дейди совхоз директори Урол Жамолов. — Сўз ва иш бирлиги албатта таъминланади. Иккинчи йилдирки, областимизда йнғим-теримда ҳашарчилар кўмагидан воз кечилди. Барча умидимиз техникадан. Машиналарга суянак, етиштирилган ҳосил тез ва соз йнғиштириб олинади, ортинқча харажатга йўл қўйилмайди. Шунинг учун ғуза парваришини кучайтирган ҳолда пахта териш машиналарини ремонтга алоҳида эътибор бераймиз. Бу юмуш 1 августга қадар тугалланади.





